



**iScience™**

# **АКТУАЛЬНЫЕ ВЫЗОВЫ СОВРЕМЕННОЙ НАУКИ**

СБОРНИК НАУЧНЫХ ТРУДОВ

Выпуск 2(34)  
Часть 2

Переяслав-Хмельницкий  
2019



**АКТУАЛЬНЫЕ ВЫЗОВЫ СОВРЕМЕННОЙ НАУКИ**

**XXXIV Международная научная конференция  
26-27 февраля 2019 г.**

**СБОРНИК НАУЧНЫХ ТРУДОВ**

**ВЫПУСК 2(34)**

**Часть 2**

**Переяслав-Хмельницкий**



моддий шарт-шароитларни ва одамдаги эҳтиёжлар тизимини ўзгартириш кифоя.

Б) ижтимоий устновкалар (attitud)-ижтимоий вазиятлар таъсирида ижтимоий объектларга нисбатан шаклланадиган устновкалар. Уларни ўзгартириш учун ижтимоий шарт-шароитлар ва шахснинг уларга нисбатан баҳо ва муносабатлари тизимини ўзгартириш керак.

В) базавий ижтимоий устновкалар-улар шахснинг умумий йўналишини белгилайди ва уларни ўзгартириш эътиқодлар ва дунёқарашларни ўзгартириш демакдир.

Г) Қадриятлар тизими-улар авлодлараро мулоқот жараёнининг маҳсули сифатида жамиятда қадр-қиммат топган нарсаларга нисбатан устновка. Масалан, саҳих ҳадислар шундай қадриятлардир, биз уларни танқидсиз, муҳокамаларсиз қабул қиламиз, чунки улар ҳам илохий, ҳам энг буюк инсонлар томондан яратилган ва авлоддан авлодга ўз қадрини йўқотмай келаётган қадриятлардир.

Шундай қилиб, инсон шахси тараққиётини ўрганиш, унинг ижтимоий муҳит нормаларини қай тарзда ўзлаштиришини билиш учун ундаги ижтимоий тасавурлар тизимини таҳлил қилиш ва уни ташкил этувчи мазмунни белгиловчи барча ижтимоий психологик омиллар таъсирини ўрганиш зарур.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т. Ўзбекистон, 2003 йил. 12-б.
2. И. А. Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т.: "Маънавият", 2008. 53-бет.
3. Н. Эгамбердиева, Ижтимоий педагогика. Олий ўқув юртлари учун дарслик-Т.: "Ўқитувчи", 2009

Кенжаева Д. Т., БОБОНАЗАРОВА С. О.  
(Қарши, Ўзбекистон)

#### МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ ТАРБИЯЛАШГА АКМЕОЛОГИК ЁНДАШУВНИНГ МУҲИМ ШАРТЛАРИ

Ватанимизнинг улкан умиди бўлган ёш авлодни келажақда билимдон, мустақил фикрловчи, ўз Ватани ва халқини, оиласини севувчи инсонлар қилиб тарбиялаш, демократик қадриятларни ҳар бир ёш авлод онгига сингдириш бизнинг асп мақсадларимиздан бири ҳисобланади. Ушбу мақсадни амалга оширишни узлуксиз таълимнинг биринчи бўғини бўлмиш мактабгача таълимдан бошлаш лозим. Зеро, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида, таълим жараёнини замонавийлаштириш, инсонпарварлаштириш ва демократлаштиришда ижтимоий-ахлоқий муҳитнинг етакчи ўрин эгаллаши ва янги жамият кишиси – "Акмешахс"ни шакллантириши яққол кўзга ташланмоқда. Миллий дастур асосида амалиётда ўз ифодасини топаётган баркамол авлод юксак даражада талабга жавоб берувчи тарбиявий ишларнинг янги метод ва воситаларининг ёшлар ҳаётига кенг кириб бориши, акмешахс қобилияти, истеъдоди, изланиши ва янгиликка интилиши руҳида яшаш имкониятини яратмоқда.



Акмеология [юнончадан акме – ниманидир олий даражаси + логия, чўққи ҳақидаги фан] – алоҳида одамни ва одамлар бирлигини ривожланиш чўққисини ва унга эришиш шароитларини ўрганадиган фанлар тўплами.

“Акмешахс”ни шакллантириш бу илмий тартиб ва илмий ўзлаштиришдир. Улардаги мавжуд усуллар қуйидагилар:

- ёшлар ўзларининг ижод қобилиятини қонуний меёр орқали бошқара олиш ва бу жараёндаги фаолиятини юқори чўққига кўтариш;

- шахс эстетикаси ва интеллектининг юқори босқичга йетишдаги объектив ва субъектив бирликлардаги зиддиятли таъсир омиллари;

- ўз-ўзини ўқитиш, ўз-ўзини такомиллаштириш ва бошқариш.

Умумлаштириб айтганда шахс интеллектида акмеология жуда муҳим ўрин эгаллайди. У қонуний меёрлар асосида ўз - ўзини йўлга солиш ва қайта тиклаш, ташқаридан янги касбидан ва жамиятдаги илмий ютуқларидан, маданиятдан, техникадан ва ички руҳиятини ҳам ўзининг қизиқиши, эҳтиёжи ва ўзининг қобилиятини англаш ўз ютуқларини, камчилигини ўз фаолиятида кўра олишдир.

Акмеологиянинг асосчиси – Борис Герасимович Ананьев бўлиб, у мазкур фаннинг асосий ғоясини шахс олий ютуқлари ҳаётининг “чўққиси”ни ўрганишни шакллантирди. У одам ҳақидаги билим муаммосини ривожлантирган ҳолда, шахс ривожланиши жараёнини характерловчи қонуниятлар, механизмлар ва феноменларни ўрганиш юзасидан бир қанча комплекс вазифани илгари сурди. Акмеология ва унга яқин фанлар томонидан ўрганиладиган барча маълумот шахснинг манфаатига, унинг ривожланиши ва муносабатларини уйғунлаштиришга йўналгандир. Акмеологияда синергетик ёндашувнинг қўлланиши ушбу саволларга жавоб беришга имкон беради: кишининг ўз-ўзини ташкил этиши, тарбиялаши, актуалланиши қандай боради, эътироф этилган юксакликка у қандай эриша олади. Бу ўз навбатида кишининг ривожланиши ва ҳаётини йўлининг тўғри моделини ясашга имкон яратади ва шу жараёнда мувофақиятга эришишига олиб келади.<sup>16</sup>

Акмеологик ёндашувни амалга оширишда мактабгача ёшдаги болалар катта имкониятларга эга. Бу имкониятлар қуйидагиларда намоён бўлади:

- болаларнинг интеллектуал ривожланиши;

- жисмоний ривожланиши;

- меҳнатга ижобий муносабатнинг таркиб тописи;

- эстетик дид ва эстетик онгнинг шаклланиши;

- экологик маданият;

- иқтисодий тарбия элементлари ва хоказо.

Инсон тафаккури мустақиллигининг шаклланиши ва ривожланиши ўз-ўзидан, автоматик равишда амалга ошавермайди. Бунинг шarti таълим тизимига билимларни янгича ўзлаштириш йўллари ва бунинг учун зарур бўлган топшириқларни олиб киришдан иборат. Булардан бири муаммоли таълимдир. Машгулотларда тарбияланувчиларни мустақил мулоҳаза юритишга ўргатиш учун уларни ижодга ундаш мақсадга мувофиқ. Масалан, барчага яхши таниш бўлган «Зумрад ва қиммат» ёки «Ур тўқмоқ» эртақларининг номини айтмасдан уларда кўп қўлланиладиган бешта таниш сўзни келтириш: «меҳнаткаш», «эрка», «ўғай она», «ўрмон», «сеҳргар кампир» ҳамда олтинчи бегона сўз -

<sup>16</sup> Акмеологические проблемы подготовки преподавателей Москва.1998. с 28



«вертолёт» кўмагида эртақ тузиш вазифасини топшириш мумкин. Ёки «очил дастурхон», «лайлак», «шум бола», «қайнар хумча», «чол» ва бегона сўз - «учар гилам» кўмагида янги эртақ тўқишга йўналтириш мумкин. Ёхуд тугаган эртақни давом эттириш, қахрамонларнинг кейинги ҳаётини тасаввур қилишни талаб этиш ҳам ўта фойдали ижодий иш тури ҳисобланади. Муҳими, бу билан тарбияланувчида мустақил ижодий фикрлаш кўникмаси пайдо бўлади.

Юқорида қайд этилган барча вазифалар жамиятда соғлом ижтимоий-ахлоқий муҳитнинг яратилганлиги ва узлуксиз таълимнинг миллий концепцияси талаблари асосида ислохотларни амалга ошириш таълим ислохотларининг ўстувор вазифаларини амалда тезроқ ўз ифодасини топишига олиб келади.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Мирзиёев Ш. М Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халкимиз билан бирга курашимиз". - Тошкент.: Ўзбекистон", 2017.
2. Акмеологические проблемы подготовки преподавателей Москва.1998. с. 28
3. Содиқова Ш. Мактабгача педагогика. Т.: 2013.

Шакарбоева Шахноза, Арақулов Отабек  
(Жиззах, Ўзбекистон)

#### ЎҚУВЧИЛАР БИЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки онларданоқ ҳар бир соҳада ўсиш, ривожланиш ва янгилиниш рўй берди. Шу жумладан, таълим-тарбия соҳасида ҳам маълум ислохотлар амалга оширилди. Бу фикрни Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И. А. Каримовнинг "Ўзбекистон XXI асрга интиломда" асарида қуйидаги фикрларни кўришимиз мумкин: "Ҳар ким чуқур ва билимсиз олдимизда турган вазифаларни бажариш мумкин эмаслигини ишда силжишга эришиш мумкин эмаслигини аниқ тушунмоғи лозим".

Умуман олганда, шуро давридаёқ И. А. Каримов ёшларимиз тарбияси миллий сиёсатини, ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлаган бўлса, мустақиллик йиллари даврида давлат, жамият ва инсон фаолиятининг барча соҳаларини қамраб оладиган кадрлар тайёрлаш Миллий Дастурини ишлаб чиқиш тўғрисида аниқ топшириқ бўлди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойилларидан бири сифатида билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Натижада таълим олувчиларнинг истеъдод ва қобилиятларини давлат томонидан моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб бориш, ихтисослаштирилган мактаб ва фан соҳаларида чуқурлаштирилган синфларни ташкил этиш, ўқувчиларнинг ҳар томонлама уйғун ривожланишини таъминлаш мақсадида махсус марказлар фаолиятини йўлга қўйиш тизими шакллантирилди.

Мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилган ва давом этаётган ислохотлар асосини ҳам педагогнинг замонавий қиёфасини яратиш масаласи ташкил этади. Бунинг учун табиий равишда жаҳоннинг илғор таълим-тарбия